ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРДИЕВА ДИЛФУЗА ТИРКАШБОЕВНА

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА БУҒДОЙ ЭКИНЛАРИНИНГ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УЎТ: 632.2 + 633.11

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural sciences

Турдиева Дилфуза Тиркашбоевна
Андижон вилоятида буғдой экинларининг касалликлари ва уларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш..... 5

Турдиева Дилфуза Тиркашбоевна
Болезни пшеницы в Андижанской области и усовершенствование мер борьбы с ними 23

Turdieva Dilfuza Tirkashboevna
Wheat diseases in Andijan Region and improving their management……..……... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 47

.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРДИЕВА ДИЛФУЗА ТИРКАШБОЕВНА

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА БУҒДОЙ ЭКИНЛАРИНИНГ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Qx112 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ҳасанов Ботир Ачилович**

биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: _____

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

_____

биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги ___ -рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., профессор

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро озиқ-овқат ташкилоти (ФАО) экспертларининг маълумотларига кўра 2017 йилда дунёда буғдой етиштирилган умумий майдон 218,54 млн. гектарни, ялпи дон ҳосили эса 771,72 млн. тоннани ташкил қилган[1]. ФАО нинг илмий башоратлари кўрсатишича, 2050 йилга келиб дунёда аҳоли сони 10 миллиардга етиши кутилмоқда. Ушбу аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш учун мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик майдонларида, суғориш сувининг сарфини оширмасдан етиштириладиган буғдой экини ҳосилини 60% га ошириш талаб этилади. Буғдой, шоли ва маккажўхори дунёдаги энг муҳим экинлар бўлиб, улар ялпи озиқ-овқат маҳсулотларининг тахминан ярмини ташкил қилади. Жумладан буғдой Ер курраси аҳолисининг 40% ни озиқ-овқат билан ҳамда лозим бўлган калория ва оқсилларнинг 20% билан таъминлайди[2].

Дунё бўйича буғдой Марказий ва Ғарбий Осиё ҳамда Шимолий Африка ва бир қатор бошқа минтақалар аҳолисининг асосий озиқ-овқат манбаидир. Бу минтақаларда жон бошига йилига ўртача 185 кг, яъни дунё бўйича энг кўп буғдой маҳсулотлари истеъмол қилинади. Аммо бу минтақаларда буғдой ҳосилдорлиги паст. Бунинг асосий сабабларидан бири буғдой касалликлари эканлиги эътироф этилган.

Мамлакатимизда дон етиштириш вазифаси муваффақият билан бажарилмоқда: 2010 йиллардан бошлаб ҳосилдорлик гектардан 45-53 центнерни ташкил қилмоқда. Ғаллачилик соҳасини янада ривожлантириш ва ҳосилдорликни ошириш учун имкониятлар мавжуд. Буни амалга ошириш учун замонавий интенсив технологияларнинг ўта муҳим элементи – экинларни касалликлардан ҳимоя қилишни илмий асосланган равишда олиб бориш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида баён этилган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» да қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда касаллик ва зараркунандаларга чидамли қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш кўзда тутилган.

2018 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПФ-5388-сонли фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлдаги «Ўсимликлар карантини тўғрисида» ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида ЎРҚ-484-сон қонуни ҳамда бошқа меъёрий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

---

[1] FAOSTAT 2020. http://www.fao.org./faostat/en#data/QC/visualize.

[2] Varshney R.K., Balyan H.S., Langridge P. Wheat. Pages 79-134 in: Kile C. (ed.). Genome Mapping and Molecular Breeding in Plants, Cereals and Millets, 2006, Vol. 1. Springer, Germany.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳоф Ушбу Фармон ҳамда бошқа меъёрий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муаммо АҚШ, Австралия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Исроил, Россия, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг буғдой экиладиган ҳудудларида чуқур ўрганилган. Дунёнинг турли минтақалари шароитларида ғалла экинларини зарарлайдиган фитопатоген микроорганизмларнинг тур таркиби, тарқалиши ва ривожланишининг биоэкологик хусусиятлари, зарари ҳамда уларга қарши кураш чораларини яратиш бўйича ишлар H.Ali, B.A.Summerell, L.W.Burgess, H.Wallwork, X.M.Chen, R.K.Goel, K.Singh, Y.Jin, J.F.Leslie, E.A.Milus, E.Seyran, J.M.Nicol, A.Patil, M.S.Patil, R.P.Singh, H.M.William, C.Wellings G.B.Wildermuth, В.И.Абеленцев, Т.Ю.Гагкаева, Ф.Б.Ганнибал, С.С.Санин ва бошқалар томонидан олиб борилмоқда.

Марказий Осиё мамлакатларида ғалла экинларининг касалликлари тўғрисидаги илк маълумотлар 1924-1926 ва 1956 йилларда Н.Г.Запромётов томонидан чоп этилган. Кейинчалик лалми буғдойнинг илдиз чиришларини Самарқанд ва Тошкент вилоятларида Г.К.Байгулова, Л.Е.Гольдштейн, И.А.Элланская (1972-1975), занг ва айрим бошқа касалликларини Ўзбекистон ва Қозоғистонда В.А.Мостовой, З.А.Шаварина, Л.Н.Гузь, Б.А.Ҳасанов (1975-1990) тадқиқ қилишган. Кейинги йилларда олиб борилаётган илмий ишлардан буғдойнинг занг касалликларга чидамлилиги генетикаси ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида (С.К.Бабоев, Х.С.Тўрақулов), буғдойзорларнинг фитосанитар ҳолатини мониторинг қилиш ва ғалла касалликларига қарши кураш чораларини такомиллаштириш бўйича ТошДАУ да (Б.А.Ҳасанов, Р.А.Гулмуродов) бажарилаётган тадқиқотларни кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги ўн йилликларда бу соҳада олиб борилаётган илмий ишлар етарли эмаслигини таъкидлаш лозим. Ҳозиргача Ўзбекистоннинг айрим вилоятларида, масалан Фарғона водийси, жумладан Андижон вилоятида буғдой касалликларининг тарқалиши ва уларни қўзғатувчи патоген замбуруғларнинг тур таркиби умуман ўрганилмаган.

Шу сабабдан Андижон вилояти туман ва хўжаликларининг буғдой далаларида учрайдиган касаллик қўзғатувчи микроорганизмларнинг тур таркибини аниқлаш ва улардаги фитосанитар ҳолатни мунтазам назорат қилиб бориш ҳамда экинзорларни энг хавфли касалликлардан ҳимоя қилиш

мажмуини яратиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари ТошДАУ Андижон филиали Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалик фитопатологияси кафедрасининг 3-йиллик (2017-2019 йй.) ва ТошДАУ Қишлоқ хўжалик фитопатологияси кафедрасининг 3-йиллик (2018-2020 йй.) илмий ишлар режалари доирасида амалга оширилган. Буғдой далаларининг фитосанитар ҳолатини назорат қилиш бўйича кузатувлар Ўзагрокимё ДАЖ, Ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими раҳбари (Р.О.Очилов) нинг кўрсатмаларига биноан, жойларда тезкор амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ўтказилган.

Тадқиқотнинг мақсади Андижон вилоятида буғдой экинларининг фитосанитар ҳолатини (касаллик турларини ва улар тарқалиши ва ривожланишини) мониторинг қилиш, улардан сариқ занг касаллигининг дон ҳосилига зарар етказишини баҳолаш ҳамда ушбу касалликларга қарши янги, замонавий фунгицидларнинг биологик самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Андижон вилоятининг буғдойзорларида маршрут кузатувлар ўтказиб, далаларнинг фитосанитар ҳолатини аниқлаш, доминант ва иккиламчи касалликларнинг турларини аниқлаш;

буғдойнинг доғланиш, майса ва илдиз чириш касалликларини қўзғатувчи некротроф патоген замбуруғлар таркибини аниқлаш ва уларнинг вакилларини соф культурага ажратиш;

сариқ занг касаллиги буғдой экини ҳосилига етказадиган зararининг даражаларини аниқлаш;

ғалла экинларининг асосий касалликларига қарши янги, замонавий фунгицидларни давлат синовидан ўтказиш, биологик ва айримларининг хўжалик самарадорлигини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилояти буғдойзорларидаги барча касалликлар ва уларни қўзғатувчи микроорганизмлар мажмуи олинган.

Тадқиқотнинг предмети Андижон вилояти туманлари ва хўжаликларида етиштириладиган буғдой экинларидир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот умумий ва қишлоқ хўжалик фитопатологияси ҳамда микологияда кенг фойдаланадиган усул ва услублар ёрдамида бажарилган. Буғдой касалликлари тарқалиши ва ривожланиши ВИЗР нинг методик тавсиялари, ЎзР ҚХСВ ҳузуридаги Давлат кимё комиссиясининг услубий кўрсатмаларига (Б.А.Ҳасанов, Р.А.Гулмуродов) биноан, умумқабул қилинган (J.G.Manners, R.F.Peterson et al, W.C.James) ва бошқа шкалалар ёрдамида ҳисобга олинди. Зарарланган ўсимлик намуналарини таҳлил қилишда фитопатологик ва микологик қўлланмалардан ва чоп этилган адабиёт манбааларидан (З.Кирай и др, И.А.Дудка и др, Б.А.Хасанов, Е.Н.Постникова и др), касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларини аниқлаш учун мавжуд аниқлагичлардан (Н.М.Пидопличко, M.V.Wiese, M.B.Ellis, A.Sivanesan ва б.) фойдаланилди.

Янги уруғ дорилагичлари ва фунгицидларни синовдан ўтказиш

тажрибалари ВИЗР ва ЎзР ҚХСВ ҳузуридаги ДКК нинг услубий кўрсатмаларига (Ш.Т.Хўжаев ва б, Б.А.Ҳасанов, Р.А.Гулмуродов), буғдой ўсимликларини занг, илдиз чириш қўзғатувчи замбуруғлар ҳамда донларини қаттиқ қоракуя билан сунъий зарарлаш ишлари халқаро методик қўлланмага (R.W.Stubbs et al) биноан амалга оширилди. Ўсимликлар зарарланишидаги ва ҳосил элементларидаги фарқларининг ишончлилиги Б.А.Доспехов ва MS Excel дастуридаги услублар ёрдамида статистик ишловларда аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Андижон вилоятида мониторинг асосида илк бор буғдойзорларнинг фитосанитар ҳолати, далаларда касалликлар тарқалиши ва ривожланиши даражалари аниқланган;

асосий касалликларнинг тур таркиби идентификация қилинган ва улардан некротроф патоген замбуруғлар вакилларининг изолятлари соф культурага ажратилган;

илк бор Андижон вилояти ва умуман мамлакатимиз ҳудуди учун буғдойда янги майса ва илдиз чириши – микродохиоз касаллигини қўзғатувчи *Microdochium bolleyi* замбуруғининг репрезентатив изолятлари соф культурага ажратилган;

ажратилган *Drechslera tritici-repentis, Fusarium* туркуми турлари, *Microdochium bolleyi, Bipolaris sorokiniana, Bipolaris spicifera* ва *Bipolaris* sp. турларининг штаммлари Жаҳон микроорганизмлар маълумотлар марказининг Патоген Микроорганизмлар Миллий коллекцияси (World Data Center for Microorganism (WDCM) National Collection of Phytopathogenic Microorganisms (NCAM)) маълумотлар базасига WDCM862-рақами орқали рўйхатдан ўтказилган;

илк бор буғдой бошоқлари «зайтун доғланиш» ва донлари «қора муртак» касалликлари билан зарарланиши аниқланган;

дала шароитида касалликнинг кучсиз табиий ва сунъий инфекция фонларида сариқ занг касаллигининг буғдой ҳосилига ва ҳосил структурасига салбий таъсирлари аниқланган;

давлат синовларида янги уруғ дорилагичлар ва ўсув даврида қўлланиладиган фунгицидларнинг буғдой касалликларига нисбатан биологик ва хўжалик самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мониторинг асосида Андижон вилояти туманлари ва хўжаликларида буғдой экинларига жиддий зарар етказадиган асосий касалликлар тарқалиши ва ривожланиши аниқланган;

патоген замбуруғлар учун депрессив мавсумларда сариқ занг касаллигининг буғдой ҳосилига ва ҳосил элементларига зарар етказиш даражалари аниқланган;

муаллиф иштирокида ишлаб чиқилган «Буғдой альтернариозлари ва *Alternaria* туркумининг замонавий таксономияси» номли монография ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги мутахассислар ва тадқиқотчилар учун аниқлагич сифатида ишлатилмоқда;

буғдой касалликларига қарши янги, замонавий уруғ дорилагичлар ва

фунгицидлардан Тилтазол 50% к.э.к., Хебен Дуо 40% сус.к., Виальто Супер 33% эм.к., Протеб 40% к.э.к., Аякс 50% сус.к., Био Стар 50% к.э.к., Драгон-ив 25% с.э.к., Пропишанс 25% эм.к., Пропишанс Супер 33% эм.к., Эклипс 23,5% сус.к. ва Бениксил 25% сус.к. препаратлари давлат синовидан ва Давлат кимё комиссияси томонидан рўйхатдан ўтказилган, мамлакатимизда қўллаш учун тавсия қилинган ва айримлари амалиётда қўлланилмоқда;

буғдой касалликларига қарши ишлаб чиқилган ва тавсия этилган кураш усуллари ёрдамида деҳқон ва фермер хўжаликлари майдонларида ҳосилдорлик ортишига ҳамда ҳаражатларнинг камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория ва дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мослиги, тадқиқот натижалари хорижий ва маҳаллий тажрибаларда олинган маълумотлар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги, олиб борилган илмий тадқиқот ишлари математик-статистик таҳлил қилинганлиги, илмий ва амалий натижалар соҳа мутахассислари томонидан юқори баҳоланганлиги, изланишлар натижалари амалиётда кенг қўлланилганлиги, илмий ва амалий натижалар асосида синалган 12 та препарат Давлат кимё комиссиясининг рўйхатидан ўтганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Андижон вилояти туманлари ва хўжаликларида етиштирилаётган ғалла экинлари касалликларининг тарқалиши ва ривожланишини, қўзғатувчиларининг тур таркибини мониторинглар асосида аниқлаш, сариқ занг касаллигнинг буғдой ҳосилига зарарини баҳолаш, соҳа мутахассислари ва талабалар учун буғдойнинг альтернариоз касалликлари бўйича монография республикамизда илк бор ўзбек тилида яратилиши билан исботланади. Ушбу диссертация Фарғона водийси вилоятларида буғдой касалликлари бўйича маълумот сифатида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация натижалари амалиётга кенг жорий қилинганлиги, соҳа мутахассислари учун монография-қўлланма ишлаб чиқилганлиги ва чоп этилганлиги, буғдой экинларини сариқ занг касаллигидан ҳимоялашда 5,23-10,35 ц/га (12,3-23,1%), қўшимча ҳосил олишга эришилганлигиидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон вилоятида буғдой экинларининг касалликлари ва уларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

ўсув даврида буғдой экинларини аэроген касалликларидан ҳимоя қилиш учун Тилтазол 50% к.э.к., Хебен Дуо 40% сус.к., Виальто Супер 33% эм.к., Протеб 40% к.э.к., Аякс 50% сус.к., Био Стар 50% к.э.к., Драгон-ив 25% с.э.к., Пропишанс 25% эм.к. ва Пропишанс Супер 33% эм.к. фунгицидлари ҳамда қоракуялар, майса ва илдиз чириш касалликларига қарши уруғлик донни дорилаш учун Эклипс 23,5% о.сус.к. ва Бениксил 25% сус.к. препаратлари

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати» дан ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш давлат комиссиясининг 07.01.2020 й. ва 29.01.2020 й. саналарида берилган 2-5-3-рақамли ва 2-5-16 рақамли маълумотномалари). Натижада ушбу препаратларни амалиётда кенг ишлатиш мумкинлиги таъминланди;

кузги буғдой экинларининг асосий касалликлари қайд этилган барча фермер ва деҳқон хўжаликларида уларга қарши ҳимоя тадбирлари, асосан кимёвий кураш ўтказилган. Бунда тадқиқотларда олинган илмий ишланмалар Андижон вилоятининг Олтинкўл, Улуғнор ва Жалақудуқ туманларида фермер хўжаликларида жами 680 га ҳамда Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг 15 га буғдой майдонларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 30.12.2019 й., 02/025-4520-сон маълумотномаси). Натижада ушбу фермер хўжаликларида Топ-Кроп 40% к.э.к. (0,3 л/га), Альто Супер 33% эм.к. (0,3 л/га) ва Аякс 50% сус.к. (0,5 л/га) (айрим ҳолларда бошқа фунгицидлар) қўлланилганида 82% дан 100% гача биологик самара олинган ҳамда гектарига 5,2-12,3 центнергача қўшимча ҳосил олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, шу жумладан 1 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган, ҳамда 1 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Буғдойни касалликлардан ҳимоя қилишнинг аҳволи ва истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси билан боғлиқ маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, дунёдаги етакчи олимларнинг илмий ишларининг натижалари ҳамда буғдой касалликларига қарши кураш чоралари чуқур таҳлил қилинган ҳамда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотларни ўтказиш шароити ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган жойларда 2017-2019 йилларда кузатилган об-ҳаво шароитлари ва тадқиқот услублари баён этилган.

Маршрут кузатувлар 2017-2019 йиллари Андижон вилояти туманларининг буғдой далаларида ўтказилди. Тажрибаларда буғдой далаларида учрайдиган касалликларнинг тарқалиши ва ривожланиши ҳисобга олинди, некротроф патогенлар билан зарарланган ўсимлик намуналари тўпланди ва лаборатория шароитида уларнинг турлари идентификация қилинди.

Буғдой касалликлари тарқалиши ва ривожланиши ВИЗР нинг методик тавсиялари (ВИЗР..., 1985), ЎзР ҚХВ ҳузуридаги ДКК нинг услубий кўрсатмаларига (Б.А.Ҳасанов, Р.А.Гулмуродов, 2013) биноан, умумқабул қилинган (J.G.Manners, 1950; R.F.Peterson et al., 1948; W.C.James, 1971) ва бошқа шкалалар ёрдамида ҳисобга олинди. Касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларини аниқлаш учун мавжуд аниқлагичлардан (Н.М.Пидопличко, 1977-1978; M.V.Wiese, 1977; M.B.Ellis, 1971, 1976; A.Sivanesan, 1987), буғдой донларида «қора муртак» касаллиги ривожланишини аниқлаш учун А.Т.Тропова шкаласидан фойдаланилди (Чулкина, 1970).

Муайян касаллик далада ўсимлик барглари ва бошқа аъзоларида тарқалиши фоизини аниқлаш учун унинг қўзғатувчиси таҳлиллардаги сегментларнинг неча фоизида ўсиб чиққанлиги асос қилиб олинди.

Янги уруғ дорилагичлари ва фунгицидларни синовдан ўтказиш тажрибалари ВИЗР (ВИЗР..., 1985) ва ЎзР ҚХВ ҳузуридаги ДКК нинг услубий кўрсатмаларига, буғдой ўсимликларини занг, илдиз чириш қўзғатувчи замбуруғлар ҳамда донларини қаттиқ қоракуя билан сунъий зарарлаш ишлари халқаро методик қўлланмага (RW.Stubbs et al., 1986) биноан амалга оширилди. Ўсимликлар зарарланишидаги ва ҳосил элементларидаги фарқларининг ишончлилиги Б.А.Доспехов (1985) ва MS Excel дастуридаги услублар ёрдамида статистик ишловларда аниқланди.

Диссертациянинг **«Андижон вилоятида буғдой касалликларининг мониторинги»** деб номланган учинчи бобида 2017-2019 йилларда Андижон (ва қисман Фарғона) вилоятининг буғдой далаларида касалликлар қайд этилиши ва уларнинг ривожланиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Барча маршрут кузатувлар вилоят «Ўзагрокимёҳимоя» ДАЖ раиси муовини А.Қўлдошев иштирокида 131 та буғдой далаларида ўтказилди. Кузатувларнинг жамланган натижалари 1-жадвалда келтирилган. Бошоқ зайтун моғор билан ва буғдой донлари қора муртак билан зарарланиши учраши ҳақидаги маълумотлар жадвалга киритилмаган ва улар кейинроқ алоҳида муҳокама қилинади.

Жадвалдан кўриниб турганидек, Андижон вилояти далаларида буғдой касалликлари тарқалиши ва ривожланиши кузатув йиллари мавсумларида паст даражаларда бўлди.

Маълумки, касалликларнинг далаларда тарқалиши ва ривожланиши об-ҳавога (асосан ҳаво ҳарорати, ёмғирли кунлар сони ва ёғин миқдорига) боғлиқ ҳолда, мавсумдан мавсумга кескин фарқ қилиши мумкин.

Облигат паразит замбуруғлар қўзғатадиган касалликлар. Ўзбекистонда сариқ занг эпифитотия шаклида тарқалиши ва ривожланиши 2016-йилда рўй берган эди (Р.А.Гулмуродов, 2017). Шу йили касаллик Андижон вилояти далаларида ҳам кенг тарқалиши қайд этилган. Аммо ундан кейин бизнинг уч йиллик кузатувларимизда сариқ занг вилоятнинг фақат айрим буғдой далаларида кузатилди. Бундай далаларга дарҳол фунгицид пуркалди, натижада занг тарқалиши ва кучли ривожланиши кузатилмади.

Кузатув ўтказилган йилларида Фарғона водийсининг барча буғдой далаларида қўнғир занг ҳам жуда кам – жами текширилган 131 та даланинг фақат 8 тасида (6,1%) да қайд этилди ва унинг ўртача ривожланиши даражаси 1% дан паст бўлди. 2019-йил шароитида қўнғир занг Андижон вилоятининг буғдой далаларида сутдан мум пишишга ўтиш даврларида пайдо бўлди ва 7-10 кун кейин унинг белгилари бутунлай йўқолиб кетди. Касалликнинг буғдой ҳосилига салбий таъсири кузатилмади. Ушбу кузатувларда буғдой далаларида поя занги, қаттиқ ва чанг қоракуя касалликлари қайд этилмади, ун-шудринг касаллиги эса текширилган 131 та даланинг 16 тасида из миқдорларда қайд этилди (1-жадвал).

1-жадвал

Андижон (ва қисман Фарғона) вилояти буғдой далаларида 2017-2019 йилларда касалликлар қайд этилиши ва уларнинг ривожланиши

Касаллик	Касаллик қайд этилган далалар сони, дона	Касаллик муайян даражада ривожланиши* аниқланган далалар сони, дона			
		<1%	1-5%	5,1-25%	>25%
Доғланишлар	54	49	5	0	0
Сариқ занг	62	60	0	0	2
Қўнғир занг	8	8	0	0	0
Поя занги	0	0	0	0	0
Ун-шудринг	16	16	0	0	0
Чанг қоракуя	0	0	0	0	0
Қаттиқ қоракуя	0	0	0	0	0
Илдиз чириш ва оқ бошоқлилик**	50	42	5	2	1
Жами	**131**	**175**	**10**	**2**	**3**

Изоҳлар: **1.** Жами майдони 1507,6 га бўлган 131 та дала кузатилган. **2.** * - Касаллик ривожланиши қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб топилди: R = ab/100; бу ерда a – зарарланган ўсимликлар сони (%), b – муайян шкала бўйича қайд этилган ўсимлик аъзосининг зарарланиши даражаси (%). **3.** ** - Илдиз чириш ва оқ бошоқлилик билан зарарланган ўсимликлар сони (%) кўрсатилган.

Барглар доғланиши. Бизнинг кузатувларда буғдой барглари доғланиши 131 та даланинг 54 тасида қайд этилди, аммо уларнинг ривожланиши ҳам паст даражада эканлиги аниқланди. Доғланиш қўзғатувчи замбуруғ турларини аниқлаш учун икки усул ишлатилди: 1) барглар бевосита микроскопда бирламчи текширилди; 2) уларнинг сегментлари агарли озуқа муҳитларига экилиб, микологик таҳлил қилинди.

Таҳлиллар натижасида Ўзбекистонда буғдойда учрайдиган барг доғланишларидан иккитаси – сариқ доғланиш (*Drechslera tritici-repentis*) ва тўқ-қўнғир доғланиш (*Bipolaris sorokiniana*) касалликлари Фарғона водийсида биринчи марта қайд этилди. Хусусан, 8 та туманда тўпланган 17 та намуна микроскопда тадқиқ қилинганида *D. tritici-repentis* 9 намунада, *B. sorokiniana* ва *Bipolaris* sp. ҳар бири бир намунада ҳамда *Alternaria* туркумига мансуб сапротроф замбуруғлар 8 та намунада қайд этилди (2-жадвал).

2-жадвал

Доғланиш билан зарарланган буғдой баргларини микологик таҳлил қилиш натижалари (Андижон вилояти, 2018-2019 йй.)

Намуна рақами	Намуна олинган туман ёки массив	Петри идишларида ОА озуқа муҳитида замбуруғлар ўсиши қайд этилган сегментлар сони							
		жами	Dtr	B.s.	B. sp.	Alt.	бқ	ақн	ўсиш йўқ
7	Шаҳрихон	5	0	0	0	4	0	0	1
14	Шаҳрихон	10	1	0	0	2	0	0	8
15	Улуғнор	9	1	0	0	1	0	5	3
25	Фарғона	8	1	0	0	0	1	5	3
37	Олтинкўл	8	0	1	0	5	1	2	2
38	Олтинкўл	5	0	0	0	5	2	0	0
39	Олтинкўл	6	1	0	0	6	1	2	0
40	Олтинкўл	6	0	2	0	6	4	2	0
41-2	Избоскан	6	0	2	0	5	5	0	0
42-2-3	Избоскан	6	1	0	0	4	9	2	0
42-3	Избоскан	6	0	0	2	6	5	2	0
Жами	**дона**	**75**	**5**	**5**	**2**	**44**	**28**	**20**	**17**
	%	**100**	**6,7**	**6,7**	**2,7**	**58,7**	**37,3**	**26,7**	**22,7**

***Қисқартиришлар*:** Dtr – *D. tritici-repentis*, B.s. – *B. sorokiniana*, B.sp. – *Bipolaris* sp., Alt. – *Alternaria* sp., «бқ.» – бошқа турларга мансуб замбуруғлар, «ақн.» – туркуми аниқланмаган замбуруғ турлари.

Микологик таҳлилда озуқа муҳитларига экилган 11 та зарарланган барг намуналарининг жами 75 та сегментининг 5 тасидан *Drechslera tritici-repentis*, яна 5 тасидан *Bipolaris sorokiniana*, 2 тасидан *Bipolaris* sp. тури ўсиб чиқиши қайд этилди. *D. tritici-repentis* ва *B. sorokiniana* турларининг изолятлари бир неча намуналардан соф культурага ажратилди ва уларнинг ҳар бирининг иккита штамми ЎзР ФА ЎГЭБИ нинг Фитопатоген микроорганизмлар коллекцияси («Ноёб объект») да сақланишга қўйилди.

Alternaria туркуми турлари ва бошқа сапротроф замбуруғлар сегментларнинг аксариятидан (58,7% ва 37,3% да) ўсиб чиқиши кузатилди. Сегментларнинг 26,7% дан ўсиб чиққан замбуруғ турлари аниқланмади. Таҳлилдаги сегментларнинг 22,7% дан замбуруғлар ўсиши кузатилмади ва улардаги касаллик ноинфекцион доғланиш эканлиги хулоса қилинди.

Илдиз, илдиз бўғзи ва поянинг пастки қисми чириши. Алмашлаб экиш схемаларида буғдой доминант бўлиши унинг янги касалликлари пайдо бўлишига ёки олдин аҳамияти кам касалликларнинг зарари ортишига олиб келиши мумкин. Шундай касалликларнинг бир гуруҳи илдиз чиришларидир. Уларнинг типик белгилари – ўсимлик илдизи, ер ости пояси, илдиз бўғзи, поянинг пастки қисми ва пастки баргларнинг қинларида некрозлар ҳосил бўлиши ва зарарланган тўқималар аста-секин нобуд бўлишидир. Илдиз чириш ўсув даврида эрта пайдо бўлса, майсаларнинг алоҳида поялари (айниқса бош поя) ёки барча поялари нобуд бўлади. Буғдойнинг илдизи ва илдиз бўғзи найчалаш-дон тугилиши фазаларида агрессив патогенлар билан зарарланса ўсимлик нобуд бўлиши ҳамда «оқ бошоқлилик» («белоколосица»), «оқ поялилик», «бўш бошоқлилик» белгилари юзага келиши мумкин. Бунда бошоқлар вақтидан олдин нобуд бўлади, дон тугилмайди ёки кам сонли ва пуч донлар тугилади.

Ушбу касалликларнинг қўзғатувчиларидан 20 таси хавфли патогенлар ҳисобланади. Ўзбекистонда илгари буғдойда улардан бир неча *Fusarium* туркуми турлари, *Bipolaris sorokiniana* ҳамда *Rhizoctonia solani* турлари қайд этилган эди (Г.К.Байгулова, Л.Е.Гольдштейн, И.А.Элланская, 1972, 1975).

Ўзбекистоннинг бошқа минтақалари каби Андижон вилоятининг буғдой далаларида ҳам майсалар чириб, нобуд бўлиши, бошоқлаш ва ундан кейинги ўсиш босқичларида ўсимликларнинг илдизи, илдиз бўғзи ва поянинг пастки қисми чириши, бўйи пасайиши, тугилган донларнинг сони ва ўлчами камайиши, поялар ва бошоқлар вақтидан олдин қуриб, оқариб қолиши ҳолатлари учрамоқда.

Буғдойнинг илдиз чириши касаллиги тарқалишини ўрганиш ва зарарланган ўсимликлар намуналарини таҳлил учун тўплаш мақсадида биз 2019 йилда Андижон вилояти далаларида махсус маршрут кузатувлар ўтказдик. Ундан ташқари, зарарланган буғдой ўсимликларининг намуналарини 2011-2019 йилларда бошқа вилоятлар далаларидан ҳам олдик ёки уларни ЎҲҚИТИ ходимлари бизга етказиб беришди. Намуналар жами 6 вилоят, 15 туманининг 33 та буғдой даласидан олинди.

Касаллик учраши далалар, минтақалар ва мавсумлар билан боғлиқ ҳолда ўзгариб турди. Баъзи далаларда касаллик тарқалиши найчалаш-барг қини бўртиши фазаларида бир хил ва анча равон бўлиб, касалликнинг зарари, асосан, поялар (кўпинча асосий поя) нобуд бўлиши билан ифодаланди. Ўсимликлар паст бўйли бўлиб қолиши ва сарғайиши белгилари равон тарқалиши кучли шўрланган ерлардаги далаларда ҳам қайд қилинди.

Бошоқлаш-дон тугилиши босқичларида зарарланган ўсимликлар кичик ўчоқларда ёки кўпроқ тарқоқ ҳолда учраши кузатилди. Айниқса оқ бошоқлилик далаларда спорадик шаклда учраб, тарқалиши кўпинча 0,1-2% орасида бўлиши қайд этилди.

Микологик таҳлилларда буғдой ўсимликларининг илдизлари ва поясининг пастки қисми чириши ҳамда оқ бошоқлилик касалликларининг асосий қўзғатувчилари *Fusarium* туркуми турлари эканлиги тасдиқланди ва улар таҳлилдаги 23 та намунада қайд этилди. Туркум турларидан *F.*

pseudograminearum 10 та, *F. oxysporum* 7 та ва *F. solani* 3 та намунадаги сегментлардан ўсиб чиққанлиги аниқланди, 7 та намуна сегментларидан ўсиб чиққан *Fusarium* туркуми изолятларининг турлари аниқланмасдан қолди.

Fusarium туркуми турлари Пискент тумани, «Маматқулов Отабек» ф/х нинг битта даласида тупланиш фазасида бачки поялар кўплаб нобуд бўлиши, Хазорасп туманидаги 3 та далада бошоқлаш-гуллаш фазасида барглар сарғайиши ва ўсимликлар пакана бўлиб қолиши, Юқори Чирчиқ туманида битта далада ҳамда Яккабоғ ва Шаҳрисабз туманларининг кўп далаларида касаллик ўчоқларида поялар нобуд бўлишининг сабаби эканлиги аниқланди. Оқ бошоқлилик учраши *Fusarium* туркуми турлари билан боғлиқ эканлиги қайд этилди (3-жадвал).

3-жадвал

Илдиз, илдиз бўғзи ва поянинг пастки қисми чириши билан зарарланган буғдой аъзоларининг микологик таҳлили натижалари (Андижон вилояти, 2018-2019 йй.)

Аниқланган замбуруғ турлари (қавс ичида муайян замбуруғ аниқланган намуналар сони)	Петри идишларида агарли муҳитда муайян замбуруғ ўсиб чиққан буғдой аъзолари сегментларининг сони	
	дона	%
Bipolaris sorokiniana (3)	41	15,0
Fusarium pseudograminearum (10)	21	7,7
Fusarium oxysporum (6)	15	5,5
Fusarium solani (3)	6	2,2
Fusarium sp. (7)	14	5,1
Microdochium bolleyi (6)	24	8,8
Бошқа турлар (*Alternaria, Cladosporium, Curvularia, Penicillium, Chaetomium* туркумлари турлари ва туркуми аниқланмаган замбуруғлар) (22)	81	29,6
Ўсиш кузатилмаган сегментлар сони (18)	88	32,1
Таҳлилдаги жами сегментлар сони (23)	274	100

Мамлакатимизда буғдойда илдиз чиришни *Fusarium acuminatum, F. culmorum, F. subglutinans, B. sorokiniana, R. solani* ва *Pythium* sp. (Л.Е.Гольдштейн, Г.К.Байгулова, 1972; Г.К.Байгулова и др., 1975-а,б), *F. sporotrichioides, F. fujikuroi, F. oxysporum, F. graminearum, F. culmorum, F. poae* (А.Г.Шеримбетов, 2019) ҳамда шўрланган ерларда *Fusarium* туркумининг 13 та тури қўзғатиши, *F. graminearum, F. solani* ва *F. oxysporum* турлари доминант эканлиги хабар қилинган (Н.С.Хайтбаева, 2017).

Бизнинг кузатув ва тажрибаларимизнинг натижалари мамлакатимизнинг буғдой далаларида фузариоз илдиз чириш анча кенг тарқалганлиги ҳақидаги маълумотларга мос келади. Шу билан бирга чоп этилган хабарларда кўрсатилган буғдойда илдиз чириш қўзғатувчи *Fusarium* туркуми турлари ҳақида бизда саволлар пайдо бўлди. Шундай, бу соҳадаги етакчи олимлар таъкидлашича, одатда буғдой илдиз бўғзи чиришини *F. graminearum* s.l. комплексига кирувчи иккита турдан фақат биттаси – *F. pseudograminaearum* –

қўзғатади; тадқиқотчилар томонидан ушбу касалликнинг қўзғатувчиси сифатида нотўғри кўрсатилган *F. graminearum* тури амалда доим *F. pseudograminaearum* тури эканлиги исботланган (J.F.Leslie, B.A.Summerell, 2006). Туркумининг бошқа турларидан *F. culmorum* нинг патогенлиги кўп марта тасдиқланган, *F. acuminatum* ҳам баъзан буғдой илдизларини кучли зарарлайди (B.A.Summerell, 2006), *F. sporotrichioides* эса одатда фақат буғдой донларида учрайди (Т.Ю.Гагкаева и др., 2011). Туркумнинг бошқа турлари, хусусан, *F. oxysporum, F. solani, F. subglutinans* ва *F. fujikuroi*, буғдой илдизларини зарарлаши тўғрисида илмий адабиётда маълумот йўқ. Яна ҳам жиддийроқ томони шундаки, *Fusarium* турларининг бир қатор сапротроф штаммлари касалликдан нобуд бўлган илдиз тўқималарини иккиламчи инвайдерлар сифатида тез эгаллаб олиши ва микологик таҳлил пайтида осон ажралиб чиқиши, натижада тадқиқотчилар касалликнинг ҳақиқий қўзғатувчисини аниқлай олмасдан, нотўғри хулосага келиши амалиётда кўп учрайдиган ҳолатдир (J.FLeslie, B.A.Summerell, 2006).

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, *F. oxysporum, F. solani, F. subglutinans, F. fujikuroi* ҳамда *F. poae* ва *F. sporotrichioides* турлари, катта эҳтимол билан, Ўзбекистонда ҳам бирламчи патогенлар эмас ва улар буғдойда илдиз чиритувчи ҳақиқий патогенларга “йўлдошлик” қилувчи иккиламчи инвайдерлардир.

Бизнинг таҳлилларда бир неча ҳолларда озуқа муҳитида сегментлардан *Fusarium* туркуми турлари ўсиб чиққан бўлса ҳам, илдиз чириш ривожланишида ва ўсимликларнинг бачки поялари нобуд бўлишида бошқа замбуруғ турлари доминант эканлиги маълум бўлди. Биринчи бундай ҳолат Андижон вилояти, Избоскан тумани, «Мадад барака» массивида иккита далада тупланиш фазасида буғдой майсаларининг асосий поялари нобуд бўлиши билан боғлиқ. Таҳлилда ушбу майсалар аъзолари 59 та сегментининг 18,4% дан *Fusarium* туркуми турлари ўсиб чиқди, айни пайтда сегментларнинг 38,8% дан касалликнинг илгари Ўзбекистонда қайд этилмаган қўзғатувчиси – *Microdochium bolleyi* тури ўсиб чиқди. Ушбу замбуруғ ўсув даври охирида – дон мумли пишиши даврида ҳам касал ўсимликларидан яна ажратиб олинди (Д.Т.Турдиева ва б., 2019-а; B.A.Khasanov et al., 2019).

Иккинчи ҳолат Бухоро вилоятининг илдиз чириш билан зарарланган буғдой ўсимликларида учради. Таҳлилда экилган намуна сегментларининг 87,9% дан *Bipolaris sorokiniana* тури ўсиб чиқди. Айни шу турнинг Жондор туманидан олинган намуна қисмларидан ўсиб чиқиши 21,1% ни ташкил қилди. Кох постулатларини бажариш учун ушбу замбуруғнинг репрезентатив изоляти билан 12 та буғдой ва битта арпа навининг 10 кунлик майсалари сунъий зарарланди ва тажриба натижалари ижобий бўлди. Бунда замбуруғ нафақат баргларда, балки майсаларнинг илдизлари, илдиз бўғзи ва пояларининг пастки қисмларида ҳам доғланиш ва чириш қўзғатиши қайд этилди. Патогеннинг реизоляцияси 100% ни ташкил қилди.

Fusarium туркуми турлари, *Microdochium bolleyi* ва *Bipolaris sorokiniana* турлари репрезентатив изолятларининг соф культуралари ЎГЭБИ нинг Фитопатоген микроорганизмлар коллекцияси («Ноёб объект») да сақланишга

қўйилди.

Суғориладиган майдонда буғдой майсалари *Bipolaris sorokiniana* билан кучли зарарланиши ва касаллик бир неча далада кенг тарқалиши мамлакатимизда биринчи марта бизнинг ушбу тадқиқотларимизда кузатилди.

Битта намунада таҳлилдаги сегментлардан *Fusarium* sp. билан бирга ғалла экинларининг цистали нематодаси (*Heterodera* sp.) ҳам ўсиб чиқиши қайд этилди. Бизнинг кузатувларимизга қадар Ўзбекистонда буғдойда (ва бошқа ғалласимон ўсимликларда) циста нематодаси учраши қайд қилинмаган эди. Буғдой майсаларида циста нематодаси + *Fusarium* sp. қўзғатган комплекс майса чириши касаллиги ҳам мамлакатимизда бизнинг тадқиқотларда биринчи марта қайд этилди.

Буғдойнинг бошқа қайд этилган касалликларидан Олтинкўл, Улуғнор, Жалақудуқ туманларида бошоқ зайтун моғори учраши 2018 йили 15% ва 2019 йили 4,8% бўлиб, унинг асосий қўзғатувчиси *Cladosporium* sp. эканлиги аниқланди. Ушбу туманларда шу йилларда тўпланган бошоқлардан олинган 8035 ва 11323 та дон микологик таҳлил қилинганида уларнинг ўртача 8,8% ва 6,98% қора муртак билан зарарланганлиги, касалликнинг асосий қўзғатувчилари *Alternaria* spp. (учраши 81,9%), камроқ учраганлари *Fusarium* spp. (12,6%) ва *Bipolaris sorokiniana* (1,0%) ва айрим бошқа турлар эканлиги аниқланди. Ушбу маълумотлар Андижон вилояти учун янги бўлиб, буғдой донларида қора муртак ва бошоқларида зайтун моғор қўзғатувчи замбуруғ турлари таркиби ушбу минтақада илк марта аниқланган. Буғдой донлари *Bipolaris sorokiniana, B. spicifera, Bipolaris* sp. ва *Fusarium* spp. турлари билан зарарланиши нафақат Андижон вилояти, балки бутун Ўзбекистон учун ҳам биринчи бор аниқланган.

Диссертациянинг **«Буғдойда сариқ занг қўзғатувчи замбуруғнинг вирулентлик генлари ва навларнинг касалликка чидамлилиги»** деб номланган тўртчинчи бобида буғдой ва айрим бошқа ғалла экинларининг ҳар хил чидамлилик генларига эга бўлган 80 та халқаро сариқ занг кўчатхонасининг тутқич (“ловушка”) навлари (9th IYRTN – International yellow rust trap nursery) ёрдамида вилоятда *Puccinia striiformis* маҳаллий популяцияларида вирулентлик генларининг таркиби аниқланиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

